

## Қиёмат куни кишилар ялангоёқ

09:25 / 17.05.2018 5312

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни:

**«Қиёмат куни кишилар ялангоёқ, яланғоч ва хатна қилинмаган ҳолда тўпланадилар»**, деганларида, мен: «Эй Аллоҳнинг расули, эркаклар ва аёллар бир-бирларига қарайверишадими?» десам, у зот: **«Эй Оиша, аҳвол улар бунга эътибор бера олмайдиган даражада оғир бўлади»**, дедилар.

Бошқа ривоятда: «Иш бир-бирларига қарашдан ҳам муҳимроқ», дейилган.

Муттафақун алайҳ.